

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ НУКУС ФИЛИАЛИ**

**ЮСУПОВ РЫСНАЗАР ОРАЗБАЕВИЧ**

**ҚОВУН ПАШШАСИННИНГ БИОЛОГИЯСИ, ЗАРАРИ ВА УНГА ҚАРШИ  
КУРАШ ТАДБИРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural  
sciences**

**Юсупов Рысназар Оразбаевич**

Қовун пашшасининг биологияси, зарари ва унга қарши кураш тадбирларини  
ишлаб чиқиш .....3

**Юсупов Рысназар Оразбаевич**

Биология и вредоносность дынной мухи и разработка мер борьбы с ней.....19

**Yusupov Risnazar Orazbaevich**

Biology and economic significance of melon fly and development of its control  
measures.....35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....38

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ НУКУС ФИЛИАЛИ**

**ЮСУПОВ РЫСНАЗАР ОРАЗБАЕВИЧ**

**ҚОВУН ПАШШАСИННИНГ БИОЛОГИЯСИ, ЗАРАРИ ВА УНГА ҚАРШИ  
КУРАШ ТАДБИРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Qx61 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти ва Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Торениязов Елмурат Шериниязович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Аманов Шухрат Бахтиёрвич**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

**Нуржанов Аллаберген Абдалязович**  
биология фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик  
илмий-тадқиқот институти**

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалиги институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz) Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (533722 рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Б.А.Сулаймонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., академик

**Я.Х.Юлдашов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

**М.М.Адилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё аҳолисининг ўсиб бориши жараёнида озиқ-овқатга бўлган эҳтиёж, хусусан сабзаот-полиз маҳсулотларига бўлган талаб йилдан-йилга тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда жаҳонда сабзаот-полиз маҳсулотларини етиштириш кўрсаткичи 1150 млн. тонна деб баҳоланмоқда. Дунё бўйича кенг тарқалган сабзаот-полиз экинлари турларини ишлаб чиқариш ҳажмида тарвуз 109,3 млн. тонна ва қовун 29,5 млн. тоннани ташкил этмоқда<sup>1</sup>.

Дунёнинг кўпчилиги мамлакатларида қовун пашшасининг келтирадиган салбий зарари натижасида етиштирилаётган полиз экинлари ҳосилдорлиги ва уни сифатининг пасайиши кузатилмоқда. Шу боис, полизчилик билан шуғулланадиган Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Россия, Озарбайжон, Арманистон ва Грузия каби мамлакатларида полиз экинларига зарар келтирадиган зараркунандалардан асосан, қовун пашшасидан ҳимоя қилишга қаратилган қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқиш масаласи долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон шароитида 2001 йилдан бошлаб қовун пашшасининг пайдо бўлиши ва унинг айрим ҳудудларда кескин кўпайиши натижасида полиз экинларига катта зарар етказмоқда. Маълумки, полиз экинлари майдонларида пайдо бўлган бу зараркунандага қарши курашмасдан туриб юқори ва сифатли ҳосилдорликка эришиб бўлмайди. Шунини ҳисобга олиб, республикада етиштирилаётган полиз экинлари далаларида пайдо бўлган қовун пашшаси зараркунандасининг биологик ривожланиш хусусиятлари, зарарчилиги ва унга қарши агротехник, кимёвий кураш, юқори самара берадиган усулларни ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни етиштириш, бошқа экинлар майдонларини қисқартириш, ҳисобига картошка, сабзаот-полиз ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш; ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича устувор вазифалар белгиланган. Қорақалпоғистон республикаси шароитида полиз экинлари майдонларидан юқори ҳосил олишга салбий таъсир кўрсатадиган зараркунанда қовун пашшасининг ривожланиш биоэкологиясини ҳисобга олган ҳолда, полиз экинлари далаларида қовун пашшасига қарши кураш олиб бориш, унинг турли шаклларида қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабридаги «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сон қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 мартдаги 148-сон «Ўсимликларни ҳимоя қилиш хизматини такомиллаштириш ва

<sup>1</sup> <http://www.docplayer.ru>

самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Қишлоқ хўжалигида ўсимликларни зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан химоя қилиш тўғрисида»ги қонуни мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Муаммо Покистон, Туркия, Исроил, Эрон, Шимолий Кавказ, Грузия, Арманистон, Озарбойжон, Россия, Афғонистон, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон ва бошқа Осиё мамлакатларининг полиз экинлари экиладиган ҳудудларида маълум даражада ўрганилган. Қовун пашшасининг (*Myiopardalis pardalina* Vig.) тарқалиши, морфологик тузилиши, биоэкологик ривожланиш хусусиятлари, зарари ва уларга қарши кураш чораларини яратиш бўйича изланишлар олиб борган олимлардан Б.Б.Исабеков, М.Е.Жамкеева, А.О.Туменбаева, Б.Б.Тойжигитов, А.А.Асанбеков, С.Қосанов, А.Б.Торобекова, Х.Қ.Торыбаев, Н.К.Сапармамедова, Д.Толихов, В.Рекач, Л.А.Тумасян, Г.Д.Багиров, Г.Ф.Асадов, Е.Н.Гришина, В.В.Василян, М.Н.Кандыбина, В.Романова, Ф.Зайцев, Я.Принц, J.Stonehouse, S.M.Sadeed, A.Sajjad, S.Moeen-ud-Din, A.Muhammad, F.Ullah, A.A.Ullah, В.Наyat, Younus Muhammad ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Қорақалпоғистон шароитида қовун пашшасининг дастлабки авлодлари пайдо бўлган 2001 йилдан бошлаб тарқалиш омиллари, биоэкологик ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларга самарали қарши кураш тадбирларини қўллаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Полиз экинларини қовун пашшасидан илмий асосланган ҳолда химоя қилиш учун биринчи навбатда зараркунанданинг кўпайишига қулай шароитни аниқлаш орқали химоя қилишнинг стратегиясини ўрганиш ва ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. Зараркунандани айрим бир фазаларида бартараф этиш учун тупроққа ишлов бериш мақсадида қўлланиладиган агротехник усулнинг аҳамиятини ўрганиш, юқори биологик, хўжалик ва иқтисодий самара берадиган кураш тадбирларини олиб боришнинг регламентини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти ва Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг КХА-8-003 «Қорақалпоғистон экстремал шароитида фермер хўжаликларидаги пахта ва сабзаёт-полиз экинлари зараркунандаларига қарши атроф муҳит учун хавфсиз химоя тадбирларини ишлаб чиқиш» (2009-2011 йй.); ҚХА 9-004 «Қорақалпоғистон шароитида фермер ва томорқа хўжаликларидаги сабзаёт-полиз экинларида учрайдиган зараркунандаларга қарши қўлланиладиган уйғунлашган кураш тизими элементларини такомиллаштириш» (2012-2014 йй.); ҚХИ-5-003 «Қовун пашшасига

қарши кураш тадбирларининг такомиллашган муқобил услубини ишлаб чиқаришга жорий этиш» (2014-2015 йй.) амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қовун пашшасининг биоэкологик ривожланиши, тарқалиш муддатлари, авлодлар сони ва бошқа хусусиятларини аниқлаш асосида келтирадиган зарари ҳамда зараркунанда ривожининг дастлабки авлодларида бартараф этишни таъминлайдиган усулларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қовун пашшасининг тур таркиби ва тарқалиш ареалини аниқлаш;

худуд шароитида таъсир этадиган абиотик, биотик омилларни ва тарқалиши учун қулай элементларни аниқлаш;

қовун пашшасининг биоэкологияси ва худуд иқлим шароитига таъсирини аниқлаш ҳамда зараркунанданинг ривожланиш фенограммасини ишлаб чиқиш;

қовун пашшаси зарар келтирадиган ўсимликлар турлари, зарарлаш даражаси ва зарар келтирадиган мезонини аниқлаш;

қовун пашшасига қарши агротехник кураш ва тегишли инсектицидлар самарадорлиги ҳамда қўллаш регламентини белгилаш;

зараркунанда қуртларини ушлайдиган «тутқич» ускунасини ёки ҳимояловчи воситанинг қўллаш усулларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қорақалпоғистон Республикаси шароитида экиладиган полиз экинларини қовун пашшасидан ҳимоя қилиш муаммоси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** қовун пашшаси ва унга қарши курашда ишлатиладиган агротехник ҳамда кимёвий усул воситалари бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар қишлоқ хўжалик энтомологиясида, агротоксикологияда ишлатиладиган барча усул ва услублар ёрдамида бажарилди. Қовун пашшасининг турини аниқлашда ва намуналар йиғишда Б.П.Адашкевич, Ш.Т.Хўжаев, қовун пашшаси қуртининг зарарини аниқлашда В.И.Танский, зараркунандага қарши агротоксикологик тадқиқотлар Ш.Т.Хўжаев услубий кўрсатмалари билан амалга оширилди. Препаратларнинг биологик самарадорлиги В.Аббот формуласи ёрдамида ва иқтисодий самарадорлиги К.А.Гар услубида ҳисобланди.

Олинган натижаларга математик-статистик ишлов берилиб, Б.А.Доспехов услуби асосида дисперсион таҳлил қилинди. Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтининг «Мониторинг ва ахборот технологияларни қўллаш бўлимида» яратилган компьютер дастури ёрдамида «ўртача хатоликни» ҳисобга олувчи касрий усул қўлланилиб, вариантлар орасидаги энг кичик фарқ (ЭКФ) аниқланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор қовун пашшасининг Қорақалпоғистон Республикаси шароитида тарқалиш ареали аниқланган;

зараркунанданинг озика ўсимликлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда биоэкологик хусусиятлари асосида мавсумий ривожланиш даврлари аниқланган;

зараркунанданинг ривожланиш фенограммаси тузилган ва унинг зарар келтириш мезонлари аниқланган;

зараркунандага қарши курашда кимёвий препаратларни қўллашнинг мақбул муддати ва қўллаш меъёрлари ишлаб чиқилган;

қовун пашшасининг қурти ва ғумбакларини бартараф этиш технологияси яратилган.

**Тадқиқотларнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қовун пашшасининг ҳудудлар бўйича зарар келтириш даражасини камайтириш тадбирлари ишлаб чиқилган;

қовун пашшаси қовунга зарар келтиришининг иқтисодий зарарли миқдор мезони (ИЗММ) белгиланган;

зараркунандага қарши курашда агротехник тадбирлар ва кимёвий курашнинг замонавий воситалари ишлаб чиқилган;

зараркунанданинг биринчи авлоди ривожланиш даврида кураш тадбирларининг янги технологияси фермер хўжаликларига тавсия этилган;

полиэкинларида қовун пашшасига қарши тавсия этилган кураш усулларини жорий этиш натижасида ҳосилдорликни етарли даражада сақлаб қолишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация тадқиқот натижалари бўйича ҳар йили илмий ҳисоботлар топширилганлиги, апробациялардан ўтказилиб ижобий баҳоланганлиги, маълумотларнинг лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари билан исботланганлиги, натижаларнинг мазкур ташкилотлар ва етакчи мутахассислар томонидан тан олинганлиги, тажрибаларнинг математик-статистик ишлов берилганлиги, натижаларнинг республика халқаро ва чет давлатлар миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, чоп этилганлиги, уларни Ўзбекистон республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги, якуний натижаларнинг Қорақалпоғистон шароитида фермер хўжаликларида полиэкинларида жорий этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳудуд шароитида қовун пашшасининг тарқалиши ва мослашишига абиотик ва биотик омиллар, зараркунанда биоэкологик ривожига, динамикасига, зарар миқдорига ва биоценоздаги қовун пашшаси ривожига таъсир мезонларини аниқланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қовун пашшасига қарши кимёвий препаратларни қўллаш усул ва меъёрлари, инсектицидларнинг биологик самарадорлиги 85,9-96,4%, қурт ва ғумбагига қарши «тутқич» ускуна ёки химояловчи восита ишлатилганда 98-100% зараркунанда нобуд қилиниб, ҳар гектардан 53,8-77,0 центнер ҳосил сақлаб қолишдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Полиэкинларида қовун пашшасига қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

полиэчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун «Қовун пашшаси биоэкологияси, қарши кураш тадбирлари» бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган

(Қорақалпоғистон фермерлар Кенгашининг 2017 йил 11 ноябрдаги 01/04-317-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида полиз экинларини қовун пашшаси зараридан ҳимоя қилишга эришилган;

қовун пашшаси тарқалган ҳудудларда полиз экилган майдонларда агротехник тадбирлардан ерни кузда 30-35 см чуқурликда ҳайдаш, шўр ювиш ва яхоб сув бериш ҳамда ўсув даврида махсус энтомологик тутқич ёрдамида қовун пашшасининг курт ва ғумбакларини нобуд қилиш технологияси Қорақалпоғистон Республикаси фермер ва томорқа хўжаликларида жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 8 ноябрдаги 02/04-1583-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида зараркунанданинг ғумбаклари 63,5–92,1 фоизга камайган, кейинги авлодларнинг салбий таъсири пасайган ва юқори иқтисодий самарадорликка эришилган;

қовун ўсимлигининг гуллаш ва биринчи ҳамак пайдо бўлган даврида қовун пашшасига қарши эрталаб «Децис» 2,5% эм.к, «Фуфанон» 57% эм.к инсектицидларини қўллаш технологиялари Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой, Кегейли, Нукус туманлари фермер ва томорқа хўжаликлари ҳамда Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти тажриба майдонларида жами 5,0 минг гектар майдонда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 12 январдаги 02/22-53 сон маълумотномаси). Натижада гектаридан 53–77 центнер қовун ҳосили сақлаб қолинган ва иқтисодий самарадорлик ўртача 1176200–1361400 сўмни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 18 та жумладан, 8 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамалардан ўтган ва амалий тавсияномалар Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиал илмий кенгашида ижобий баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 29 та илмий ишлари чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертацияси илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та, 2 таси хорижий ва 7 таси республика журналларида ҳамда 2 та тавсиянома нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши: кириш, 5 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот

натижаларини амалиётга жорий этиш, республика, хорижий давлатларда нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби ҳисобланган **«Полиз экинларини қовун пашшаси зараркунандасидан ҳимоя қилишнинг аҳволи ва истиқ-боллари»** мавзусидаги адабиёт шарҳида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари ва бу борада тадқиқотлар олиб борган олимларнинг илмий иш натижалари, диссертация бажарилган жойдаги илмий ишлар натижаси таҳлил қилинган. Бунда, қовун пашшасининг ареали, морфологик белгилари, биоэкологик ривожланиш хусусиятлари ва динамикасига тўхтаб ўтилиб, келтирадиган зарари ва унга қарши кураш олиб боришдаги мавжуд усул ва воситаларга аҳамият берилган.

Бу борада асосий аҳамият куз-киш ойларида ғумбакларини йўқ этишга қаратилган агротехник тадбирларга, мавсум мобайнида унга қарши қўлланилаётган кимёвий препаратларнинг турларига ҳамда қўллаш муддатлари ва меъёрларига аҳамият берилган. Таҳлил этилган адабиёт манбаларидан маълум бўлдики, қовун пашшаси Ўзбекистон ҳудудига кириб келганича у ҳақида ҳеч қандай маълумот бўлмаган. Қовун пашшаси даставвал Ўзбекистонга шимолий ҳудудлардан бошлаб кириб келган. Шунинг учун, Қорақалпоғистон агроиклим шароитининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, диссертация олдига қўйилган мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказилган жой ва услублари»** мавзусидаги кейинги бобида тажриба ўтказилган жойларнинг тупроқ-иклим шароитлари, тадқиқот жойи ва тадқиқот усуллари баён этилган. Ишнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, белгилаб олинган тажрибалар Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой, Кегейли, Нукус туманлари фермер хўжаликлари далаларида олиб борилди. Лаборатория, кичик дала тажрибалари Чимбой тумани ҳудудидаги Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти тажриба майдонларида ўтказилди. Зараркунанданинг биоэкологик ривожланиш хусусиятларини аниқлаш борасида «Чимбой» метеостанция маълумотларидан фойдаланилиб, 2009-2016 йиллар давомида ҳар кундаги ҳаво ҳарорати, нисбий намлик ва ёғингарчилик миқдорлари таҳлил қилиб борилди.

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида полиз экинларини экиш, далада олиб бориладиган агротехник тадбирлар, қатор орасига ишлов бериш, суғориш, ўғитлаш ва ҳосилни йиғиш ишлари «Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилик ИТИ тавсияларига» ва Х.Ч.Буриев, М.Ю.Ибрагимов услубий кўрсатмалари асосида олиб борилди.

Қовун пашшасининг тури, фазаларининг морфологик белгилари, биоэкологик ривожланиши, етук зоти, тухуми, курти ва ғумбаги сонини ҳисобга олиш, динамик ўзгариши ва фенограммаси А.Н.Кожанчиков, Б.В.Добровольский, Е.А.Дунаев, К.К.Фасулати ва В.Ф.Палий усуллари ёрдамида ўрганилди. Ҳашаротнинг зарарини аниқлашда умумқабул қилинган В.И.Танский услубидан, агротоксикологик тадқиқотлар олиб боришда эса, Ш.Т.Хўжаев таҳрири остида нашр этилган услубий кўрсатмалардан фойдаланилди.

Синолда бўлган кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлиги В.Аббот формуласи ёрдамида ҳисобланиб, бунда вариант ва назоратдаги зараркунандаларнинг сони ишлов беришдан олдинги ва сўнги кунлари ҳисобга олинди. Тадқиқотларда олинган натижалар математик-статистик ишлов берилиб, дисперсион таҳлиллари Б.А.Доспехов услуби асосида бажарилди. Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтида мавжуд «Мониторинг ва ахборот технологияларини қўллаш» бўлимида яратилган компьютер дастури ёрдамида «ўртача хатоликни» ҳисобга олувчи касрий усул қўланилиб, вариантлар орасидаги энг кичик фарқ (ЭКФ) аниқланди.

Диссертациянинг «**Қовун пашшасининг биоэкологик ривожланиш хусусиятлари ва унга таъсир этадиган омиллар**» мавзусидаги учинчи бобидан бошлаб асосий тадқиқот натижалари келтирилган. Ушбу шароитда тарқалган қовун пашшаси фазаларининг морфологик белгиларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаси: етук зоти тана узунлиги  $\text{♀}5,9\pm0,07$  мм,  $\text{♂}5,3\pm0,08$  мм, тухуми  $0,65\pm0,01$  мм, қуртлари  $9,1\pm0,21$  мм ва ғумбаги  $7,3\pm0,18$  мм бўлиши қайд этилиб, ушбу морфологик белгилар *Myiopardalis pardalina* Vig. турига мансуб эканлиги аниқланган.

Зараркунанданинг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш давомида шундай натижага келиндики, фазаларининг фаоллиги етук зотининг қўшимча озикланишига боғлиқ бўлар экан. Ғумбакдан чиққан урғочи зотининг қовун ва тарвуз ширалари билан озикланганида яшаш вақти 28-35 кун давом этиб, мавсумдаги учта авлоди давомида ҳар бир урғочи зоти 83,7-94,2 дона тухум кўйиши қайд қилинди. Тухумнинг эмбрионал ривожланиши учун 3-4 кун, қуртига 9-18 кун ва ғумбаги 12-18 кун талаб этилиши аниқланди.

Зараркунанда етук зотининг жинсини аниқлашда ғумбакларнинг майда-йириклигига қараб фарқланиши аниқланди. Ғумбакларнинг узунлиги 7 мм дан кичик бўлганларидан – 72,0% эркак зоти, ундан катта бўлганларидан эса – урғочи зот (75,6%) очиб чиқиши маълум бўлди. Олинган натижаларга кўра, қовун пашшаси ривожда ғумбакларнинг катта-кичиклигига қараб келгуси авлодидан нечта эркак ёки урғочи зотлари чиқишини башорат қилиш мумкин бўлди.

Қовун пашшасининг биологиясини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида тузилган фенограмма маълумотларида зараркунанда вегетация даврида 3-4 авлод бериши аниқланди. Иккинчи авлоди ривожидан бошлаб, далада зараркунанда фазаларининг аралашиб кетиши кузатилади (1-жадвал). Бу натижа зараркунанданинг биринчи авлодига қарши албатта кураш ўтказиш кераклигини талаб этади.

Қовун пашшаси полиз экинлари мевасини зарарлайдиган ягона тур ҳисобланади. Зараркунанда қурти келтирадиган зарарни аниқлашга қаратилган тадқиқотлар натижасида, қуртлар мева ичида ҳаракат этиб, озикланиб етилганидан сўнг ташқарига чиқишда меваларда пайдо бўлган тешикчалар таъсирида меванинг истеъмолга яроқсиз ҳолга келади эканлиги аниқланган. Қовуннинг «Гурвак» навида тешиклар сони 1-10 дона пайдо бўлганлари кузатилганда, 1-2 тешиги бор қовуннинг оғирлигига нисбатан, зарарланган қисми 24,0 - 33,4% ни ташкил қилган бўлса, 8 - 10 тешик бўлганда 87,1 - 93,7%

**Қовун пашшасининг ривожланиш фенограммаси**

*(Чимбой тумани ҚҚДИТИ 2016 й.)*

Кўрсаткичлар	Май			Июн			Июл			Август			Сентябр			Октябр		
	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III
Ўртача ҳарорат	19,0	22,4	25,0	26,8	26,1	28,3	28,8	29,7	27,5	28,5	27,5	25,0	22,4	18,8	19,3	14,0	7,6	3,1
Ҳавонинг нисбий намлиги, %	66	52	47	48	50	40	42	40	49	42	40	42	49	54	57	54	58	59
Ёгин микдори, мм	42,9	3,7	1,7	0,3	28,8	0,0	0,0	0,0	6,3	0,0	0,0	0,0	1,7	1,7	17,9	0,0	6,8	1,8
Етук зот				+	+	+												
Тухум				.	.	.												
Қурт					-	-	-											
Ғумбак	(0)	(0)	0			0	0	0										
Етук зот							+	+	+	+	+							
Тухум							.	.	.	.	.							
Қурт							-	-	-	-	-							
Ғумбак								0	0	0								
Етук зот									+	+	+							
Тухум									.	.	.							
Қурт										-	-	-						
Ғумбак										0	0	0	(0)	(0)	(0)	(0)	(0)	(0)
Етук зот												+	+	+				
Тухум												.	.	.				
Қурт													-	-	-			
Ғумбак														0	0	(0)	(0)	(0)
Етук зот															+	+	+	
Тухум																		
Қурт																		
Ғумбак															0	0	(0)	(0)

*Шартли белгилари:*

«+» - етук зоти, «.» - тухуми, «-» - қурти, «0» - ғумбаги, «(0)» - қишлоғга кетган ғумбак

ҳосил нобуд бўлганлиги қайд қилинган. Мевадаги тешиқлар сонига қараб «Зар гулоби» навида 20,3-26,3% дан 83,9-88,5%, «Бишак» навида эса 18,4-24,7% дан 82,9-86,1% ни ташкил этди. Маълумотлар қовун пашшасининг зарари мевадаги қуртлар пайдо қилган тешиқлар сонига боғлиқ эканлигини кўрсатди.

Қовун пашшасининг полиз экинларига етказадиган иқтисодий зарарли микдор мезонини аниқлаш мақсадида, 100 ўсимликда ўртача 1 дан 10 тагача етук зоти мавжуд далаларда тажриба ўтказилди. Тадқиқот далаларидаги зараркунанда сонига боғлиқ бўлган вариантларда 30 та қовун меваларидан тухум қўйилган, тешиқлар пайдо бўлганлари белгиланиб, пишиб етилганда ҳосилнинг истеъмолга яроқсиз бўлганларининг сони ва ҳажми аниқланиб, таҳлиллар натижасида хулосага келинди. Натижада, қовун ўсимликларининг 100 ўсимликда ўртача 1-2 дона қовун пашшасининг етук зоти пайдо бўлиб, авлоди давомида ривожланганида, далада 9,9-15,2% ҳосил йўқотилиши маълум бўлди. Зараркунанданинг сони 3-4 донадан кўпайиши ҳосилнинг 30,1-43,6% ва 8-10 дона бўлганда – 75,2-84,6% ҳосил нобуд бўлиши аниқланди. Шундай қилиб, қовуннинг ҳар 100 ўсимлигида 1-2 дона қовун пашшасининг етук зотлари пайдо бўлиши иқтисодий зарарли микдор мезони эканлигини билдиради. Зараркунанданинг зичлиги бундан ошганда далага инсектицидлар ёрдамида ишлов бериш тавсия этилди (2-жадвал).

2-жадвал

**Қовун пашшасининг полиз экинларига келтирадиган иқтисодий зарарли микдор мезони**

(Чимбой, Кегейли, Нукус туманлари 2014-2016 йй.)

Ривожланган етук зоти, 100 ўсимликда, дона	Кўриб чиқилган мева, дона	Тухум қўйилган мева, дона	Қуртлар тешиб чиққан мева, дона	30 мева-нинг вазни, кг	Назоратга нисбатан фарқи,	
					кг	%
1	30	0,3	0,3	139,8	-15,5	9,9
2	30	1,0	0,6	131,6	-23,6	15,2
3	30	2,3	2,0	108,5	-46,7	30,1
4	30	3,3	3,3	87,5	-67,7	43,6
6	30	5,6	5,0	77,3	-77,9	50,2
8	30	8,0	7,3	38,5	-116,7	75,2
10	30	12,0	11,3	23,9	-131,3	84,6
Назорат	30	-	-	155,3	-	100

$S_x$  0,15  
ЭКФ<sub>05</sub> 0,47

Диссертациянинг «Қовун пашшасига қарши кураш тадбирлари» деб номланган тўртинчи бобида, қишлоғга кетган зараркунанда ғумбагини йўқ этиш мақсадида агротехник тадбирни қўллаш, қурт ва ғумбакларига қарши «тутқич» ускунани ишлатиш ва етук зотига қарши замонавий кимёвий препаратларнинг синови натижалари келтирилган. Зараркунанданинг биоэкологик ривождаги асосий хусусиятларни ҳисобга олиб, биринчи навбатда қишлоғга кетаётган ва куз-қиш ойларида қишлаётган ғумбакларини йўқ этиш учун қарши кураш тадбирларини ўтказиш назарий ва амалий

аҳамиятга эга эканлиги исботланди. Булар каторига, Қорақалпоғистон шароитида экилаётган полиз экинлари далаларида экиндан бўшаган ерларни албатта кузги шудгор қилиш ва шўр ювиш тадбирларини ўтказиш киради. Булар натижасида, қишлаётган ғумбакларнинг зичлиги кескин камайиб, усулнинг амалий самараси юқори бўлиши аниқланди.

Тадбирнинг биологик самарадорлигини аниқлаш учун ноябр ойида полиз экинлари далаларидаги ғумбаклар сони аниқланди ва тупроқ 30 см чуқурликда ҳайдалиб, 15 кундан сўнг, шўр ювиш ишлари ўтказилди. Мақбул муддатда ўтказилган кузги шудгор ишлари натижасида дала тупроғининг 3-20 см чуқурлигида қишлоғга кетган ғумбакларнинг 83,1% нобуд бўлди. Шудгордан сўнг, олиб борилган шўр ювиш ишлари натижасида умумий биологик самарадорлик 92,1% ни ташкил қилди. Бу усул ишлаб чиқаришга жорий этилган далаларда зараркунанданинг асосий қисми нобуд бўлди. Келажакда юқорида қайд этиб ўтилган агроусул кўринишлари амалиётда кенг фойдаланиш учун тавсия этилди.

Қовун пашшаси ривожининг биоэкологик хусусиятларидан бири, зараркунанданинг қурти мева ичида ривожланиши ва озикланишидир. Ривожланаётган қуртнинг озикланиши тугаши билан, у мева пўстини тешиб ташқарига чиқади ва 10-15 дақиқа ичида тупроқ устки қисмининг 3-20 см чуқурлигида ғумбакка айланади. Шуларни назарда тутиб, далада зарарланган меваларнинг остига махсус тутқичлар жойлаштириб, пашша қуртларини йиғиб олиб курашиш усули яратилди.

Усулнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида қовун пашшаси тухум қўйган қовун мевалари «тутқич» ускунага жойланиб, ушланган қурт ва ғумбаклар назоратга олиниб, механик усулда йўқотилиб борилди. Натижа шуни кўрсатдики, «тутқич» ускунага тушган қуртларнинг бир қисми иссиқлик таъсирида нобуд бўлиб, бошқалари шу жойда тутқич ичида ғумбакка айланади. Натижада, «тутқич» ускунага ушланган қурт ва ғумбакларни 98-100% тўла йўқотиш имконияти яратилиб, зараркунанданинг келгуси авлодлари тарқалиши тўла бартараф этилади.

Қовун пашшасининг вояга етганларига қарши кимёвий препаратларни ишлатишнинг биологик самарадорлигини аниқлаш учун, истиқболли замонавий инсектицидлар синаб кўрилди. Кимёвий воситаларни қўллашнинг мақбул усул ва вақтини аниқлаш учун бир нечта лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари ўтказилди.

Бугунги кунда, қовун пашшасининг етук зотларига қарши қўлланилаётган кимёвий препаратлар ўсимлик ҳосил бериш фазасига кириб, гуллаб эндигина ҳамак ҳосил қилиш даврида ишлатилади. Шу боис, препаратлар ҳашарот учиб қийғос тухум қўйиш даврида ишлатилди. Кимёвий препаратларни дала-ишлаб чиқариш тажрибаларида пуркаш ОВХ-28 агрегати ёрдамида, гектарига 200-300 литр сув сарф этилиб амалга оширилди. Натижада, мақбул меъёردа кимёвий препаратлар ёрдамида ишлов берилган далада қовун пашшаси сонини камайтиришга эришилиб, келгуси авлодининг ривожини ва тарқалишини бартараф этилди. Бу мақсадда қўлланилган препаратларнинг биологик самарадорлиги, ишлатилгандан сўнги 3-чи ҳисоб куни 80,4-82,7%, 14 ва 21 кунларда 89,1-94,1%

ни ташкил этди (3-жадвал).

Қовун пашшаси етук зотига қарши кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлигини аниқлашда, препаратларни қўллашнинг мақбул вақти эрталабки соат 5-8 эканлиги, бу пайтда пашша қанотлари нам, учиш ҳолатида бўлмайдиганлиги туфайли, эритма тўла танасига тегишини таъминладиганлиги қайд этилди.

### 3-жадвал

#### Қовун пашшасига қарши қовун экилган далада инсектицидларни ишлатишнинг самарадорлиги

(Чимбой тумани, дала тажриба, (200-300 л/га) июн 2014-2016 йй.)

Вариантлар	Дорининг сарф меъёри, л/га	Ишловдан олдинги зараркунанданинг 100 ўсимликда ўртача сони, дона	Биологик самарадорлиги, % кунларда			
			3	7	14	21
Децис, 2,5% эм.к	0,4	7,0	82,7	87,7	94,1	73,8
Децис, 2,5% эм.к	0,7	6,6	82,5	88,7	96,4	73,5
Фуфанон, 57% эм.к	0,4	7,6	71,8	81,9	85,9	67,0
Фуфанон, 57% эм.к	1,0	7,6	80,4	85,2	89,1	72,9
Карбофос 50% эм.к. (андоза)	1,0	7,4	67,3	73,2	82,1	64,9
Назорат (ишловсиз)		8,0	Табиий ривожланиши, дона			
			8,6	9,3	9,7	10,5
$S_x$			0,26	0,07	0,08	0,11
$ЭКФ_{05}$			0,78	0,21	0,26	0,34

Диссертациянинг «Зараркунандага қарши ўтказилган кураш усуллариининг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги» деб номланган бешинчи бобида: зараркунанданинг қуртлари ва ғумбакларини йўқотиш учун ва етук зотига қарши кимёвий препаратларни ишлатишнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича олиб борилган ҳисоб натижалари келтирилган. Тадбирнинг самарадорлиги зараркунандага қарши кураш олиб борилмаган назорат даласига нисбатан таққослаб аниқланган.

Диссертация ишида қўйилган тадқиқот мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, тажрибалар натижасида сақлаб қолинган ҳосил миқдори ҳисобланиб, назоратга нисбатан натижалар таҳлил қилинган. Қовун пашшасининг қурт ва ғумбакларини ушлайдиган «тутқич» ускунани ёки ҳимояловчи воситани яшаш, зарур бўлган меъёрини далада ишлатишга сарфланадиган маблағ ҳисобга олинди. Ушбу далада пайдо бўлган зараркунанданинг етук зотига қарши кимёвий препаратларни қўлланилганида сарфланадиган харажат ва сақлаб қолинган ҳосил миқдори аниқланиб, тадбирнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги аниқланди (4-жадвал).

**Қовун пашшасининг биринчи авлод етук зотига қарши кимёвий препаратлар, қурт ва ғумбакларига қарши эса «тутқич» ускуна қўлланилганда сақлаб қолинган ҳосил**  
(Чимбой тумани, дала тажрибалари 2017 й.)

Вариантлар	Дорининг сарф меъёри, л/га	Биологик самарадорлик, %	Ушланган қурт ва ғумбак сони	Ҳосилдорлик, ц/га				Сақлаб қолинган ҳосил, ц/га
				I	II	III	ўртача	
Децис, 2,5% ЭМ.К	0,4	95,6	963	91,1	93,6	91,0	91,8	75,3
Децис, 2,5% ЭМ.К	0,7	97,7	917	94,1	93,4	93,1	93,5	77,0
Фуфанон, 57% ЭМ.К	0,4	90,1	931	71,9	71,6	70,3	71,2	54,7
Фуфанон, 57% ЭМ.К	1,0	94,4	853	84,7	84,5	83,2	84,1	67,6
Карбофос, 50% ЭМ.К. (андоза)	1,0	89,2	835	70,2	70,6	70,1	70,3	53,8
Назорат (ишловсиз)	-	-	879	16,4	18,3	14,9	16,5	-
	$S_x$	0,09					0,07	
	ЭКФ <sub>05</sub>	0,27					0,22	

Қовун пашшаси қишловдан чиқиб далага тўпланиши билан қовун даласидаги 100 ўсимликда 2,1-6,5 дона етук зоти пайдо бўлганда тавсия этилган усул ва кимёвий препаратлар билан ишлов берилиб, зараркунанда ривож бартараф этилган далада ҳисоботлар олиб борилди.

Ишлов берилган далада тухум қўйилган мевалар тагига «тутқич» ускуна қўйилиб, ривожланган қурт ва ғумбаклари йўқ қилинди ва вегетация даврининг охирида, химоя қилинган ҳосил ҳисобланди. Олиб борилган тадбирлар натижасида қовун ўсимлигида пайдо бўлган қовун пашшасининг етук зотига қарши кимёвий препаратлар, қурт ва ғумбагини механик усулда йўқотиш туфайли, гектаридан 53,8-77,0 центнер ҳосил сақлаб қолинганлиги аниқланди.

Полиз экилган далаларда пайдо бўлган қовун пашшасининг қурт ва ғумбакларини «тутқич» ускуна, етук зотига қарши кимёвий препаратлар ишлатиш усули ёрдамида кураш тадбирлари олиб борилганда биологик самарадорлик юқори бўлиб, сақлаб қолинган ҳосилнинг миқдори эвазига, сарфланган харажатлар тўла қопланиб хўжалик ва иқтисодий самара олинди (5-жадвал).

Бунда, тавсия этилган кимёвий препаратларни бир марта қўллаш учун сарфланган умумий харажат гектарига 90000 - 105000 сўм, қурт ва ғумбакларни ушлашга ишлатилган «тутқич» ускунани ясашга 150000 сўм, далада ишлатишга

60000 сўм харажат қилинганда, тадбирни ташкиллаштириш учун умумий харажат 456000 – 543000 сўмни ташкил этади.

5-жадвал

**Қовунда пашшага қарши инсектицид препаратлар ва механик усулни қўллаганда хўжалик ва иқтисодий самарадорлик**

(Қорақалпоғистон Республикаси 2017 й.)

№	Кўрсаткичлар	Децис, 2,5% эм.к. 0,7 л/га	Фуфанон, 57% эм.к. 1,0 л/га	Карбофос, 50% эм.к. 1,0 л/га (андоза)	Назорат (ишловсиз)
1	Ҳосилдорлик, ц/га	93,5	84,1	70,3	16,5
2	Сақлаб қолинган ҳосил, ц/га	77,0	67,6	53,8	-
3	Препаратнинг бир гектарга сарфланган нархи, сўм/га	105 000	90 000	90 000	-
4	Тутқич ускунани (400 дона) яшашга кетган харажат, сўм/га	150 000	150 000	150 000	-
5	Тутқич ускунани қўллашга кетган харажат, сўм/га	60 000	60 000	60 000	-
6	Сақлаб қолинган ҳосилни йиғиш ва ташишга кетган харажат, сўм/га	228600	201300	156000	-
7	Ҳимоя тадбири учун кетган жами харажат, сўм/га	543600	501300	456000	-
8	Экинни етиштириш учун кетган харажат, сўм/га	1 050 000	1 050 000	1 050 000	1 050 000
9	Жами харажатлар, сўм	1 593 000	1 551 300	1 506 000	1 050 000
10	Сақлаб қолинган ҳосил нархи, сўм	2 955 000	2 727 500	2 352 500	-
11	1 гектардан олинган соф фойда, сўм	1361400	1176200	846500	-
12	Сарфланган 1 сўмнинг қопланиши, сўм	2,50	2,34	1,85	-
13	Рентабеллилиги, %	250	234	185	-

Изоҳ: 1 кг қовуннинг нархи ўртача 380-400 сўм бўлган.

Тадбир мақбул шароитда жорий этилганда иқтисодий самарадорлик гектарига 1176200 – 1361400 сўмни ташкил этиб, қовун мевасини ҳимоя қилишга сарфланган 1 сўм эвазига 2,34-2,50 сўмлик қўшимча маҳсулот олинди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Қорақалпоғистон Республикаси шароитида полиз экинлари мевасига катта зарар келтирадиган тур *Myiopardalis pardalina* Vig. эканлиги аниқланиб, зараркунанда қурти қовун, тарвуз, қовоқ ва бодринг мевалари ичида озикланади.

2. Қовун пашшаси ғумбаклик фазасида тупроқнинг 3-20 см чуқурлигида қишлаб, баҳор эрта келган йиллари май ойининг учинчи ўн кунлиги, баҳор кеч келганда эса июн ойининг I-ўн кунлигида, қовуннинг эртапишар навлари гуллаши билан қишлоvdан етук зотининг учиb чиқиши кузатилади.

3. Ғумбакдан чиққан етук зотлари полиз экинлари шираси билан қўшимча озикланиб, жуфтлашгандан сўнг, тухумларини экин мевалари пўсти остига қўйиб, урғочи зотининг серпуштлиги 60-110 дона тухумни ташкил қилди.

4. Пашша бир авлодининг ривожини учун, об-ҳаво шароитига қараб, 28-35 кун талаб этилади, тухумнинг эмбрионал ривожланиши учун 3-4 кун, қурти – 9-18 кун ва ғумбаги – 12-18 кун керак бўлиб, вегетация даврида 3-4 марта авлод беради.

5. Қовун пашшаси қуртларининг зарарлаш даражаси мевадаги қуртлар тешган сонига боғлиқ бўлиб, мевада 1-2 дона қуртлар ривожланганида: «Гурвак» навида 24,0-33,4%, «Зар гулоби» навида 20,3-26,3%, «Бишак» навида 18,4-24,7% қисми истеъмолга яроқсиз бўлиб қолади.

6. Қовун пашшасига қарши кимёвий кураш тадбирларини ўтказиш учун иқтисодий зарарли миқдор мезони (ИЗММ) 100 та ўсимликда ўртача 1-2 ва ундан кўп дона зоти мавжудлиги ҳисобланади.

7. Полиз экинларида олиб бориладиган агротехник тадбирлардан ноябр ойида далани 30-35 см чуқурликда шудгорлаш ҳамда шўр ювиш ишларини ўтказиш қишловга кетган ғумбакларнинг 63,5-92,1% нобуд этади.

8. Айрим қовун меваларида турли сабабларга кўра зарарланиш аниқланса, қурт ва ғумбакларни йўқ этиш мақсадида, мевалар тагига «тутқич» ускуна қўйилганда, ёки ҳимояловчи воситаларга жойлаштирилганда, қурт ва ғумбаклари қириб ташланади, келгуси авлоди ривожининг олди олинади.

9. Қовун ўсимликлари қийғос гуллаб бошлаб, ҳосил найчалари пайдо бўлган пайтда тавсия этилган инсектицидлардан: Децис - 0,4-0,7 л/га, Фуфанон-0,4-1,0 л/га, сарф-меъёрида қўлланилса, ишлов берилгандан 85,9-96,4% биологик самарадорликка эришилади. Препарат ва меъёрлари ўсимликнинг гуллаши ва мева ҳосил қилишига салбий таъсир кўрсатмайди.

10. Қовун пашшасининг 1-чи авлоди етук зотига қарши инсектицид препаратлар ишлатиб, айрим сабабларга кўра самараси етарлича бўлмаган мевалардан қурт ва ғумбакларини териб олишга мўлжалланган «тутқич» ускуна ишлатиш ҳар гектардан 67,6-77,0 центнер қўшимча ҳосил олиш мумкин. Олинadиган иқтисодий самарадорлик гектарига 1176200 - 1361400 сўмни ташкил этиб, сарфланган ҳар 1 сўм харажат эвазига 2,34-2,50 сўмлик қўшимча маҳсулот олинади. Тадбир ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И АНДИЖАНСКОМ  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ЗАЩИТЫ РАСТЕНИЙ  
НУКУССКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО  
АГРАРНОГО УНИВЕРСИТЕТА**

**ЮСУПОВ РЫСНАЗАР ОРАЗБАЕВИЧ**

**БИОЛОГИЯ И ВРЕДНОСНОСТЬ ДЫННОЙ МУХИ И РАЗРАБОТКА  
МЕР БОРЬБЫ С НЕЙ**

**06.01.09 – Защита растений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.1.PhD/Qx61.**

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте защиты растений и Нукусском филиале Ташкентского государственного аграрного университета.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).)

**Научный руководитель:** **Торениязов Елмурат Шериниязович**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Аманов Шухрат Бахтиёрвич**  
доктор сельскохозяйственных наук  
**Нуржанов Аллаберген Абдалязович**  
кандидат биологических наук, старший научный сотрудник

**Ведущая организация:** **Научно-исследовательский институт овощи – бахчевых культур и картофеля**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_\_ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете и Андижанском сельскохозяйственном институте. (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz).  
Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, конференц - зал)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 533722). Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, 2. Ташкентский государственный аграрный университет, задание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(протокол рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.)

**Б.А. Сулаймонов**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик.

**Я.Х. Юлдашов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.с/х.н. доцент.

**М.М. Адиллов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с/х.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В процессе увеличения количества народонаселения в мире из года в год повышается потребность в пищевых продуктах, особенно в овоще - бахчевых культурах. На сегодняшний день объем мирового производства овощных и бахчевых культур оценивается в 1150 млн. тонн. Широко распространены виды овоще - бахчевых культур в мире, к примеру, объем производства арбузов составил 109,3 млн. тонн, дынь - 29,5 млн. тонн<sup>1</sup>.

Во многих странах мира наблюдается снижение урожайности и качества производимых бахчевых культур в результате вреда дынной мухи. Поэтому в странах, таких как Турция, Иран, Индия, Пакистан, Россия, Азербайджан, Армения и Грузия которые занимаются бахчеводством, разработка защитных мер от вредителей бахчевых культур в основном дынной мухи является актуальной проблемой.

Проблема защиты бахчевых культур в Узбекистане усложнилась после 2001 года с появлением дынной мухи и широким ее распространением в регионе, которое придало явлению научную и практическую актуальность. Было доказано, что в условиях отсутствия защитных мероприятий против вредителя нельзя получить качественный, высокий урожай дынь и арбузов. В этой связи, особо актуальным оказалась разработка научных основ научно-обоснованной защиты бахчевых от этого адвентивного вредителя в новых условиях его обитания. Есть острая необходимость в изучении биологических особенностей развития вида, ареала, вредоносности и обоснованно подобранных методов интегрированной защиты бахчевых культур. В стратегии действий развития страны на 2017-2021 гг. особое внимание уделено дальнейшему укреплению продовольственной безопасности страны, расширению производства экологически чистой продукции. Дальнейшая оптимизация сельского хозяйства, направленная на сокращение посевных площадей под хлопчатник и зерновые колосовые культуры, с размещением на высвобождаемых землях картофеля, овощей, бахчевых и других видов сельскохозяйственных культур, разработка и внедрение мер борьбы против вредителей, болезней и сорняков является актуальной современной задачей земледелия. Проведение мер борьбы против дынной мухи с разработкой методов, предупреждающих заражение растений, а также уничтожающих отдельные фазы её развития, является весьма актуальной проблемой, включённой в план исследовательской работы данной темы. Разработка и внедрение перспективных современных методов защиты бахчевых культур от дынной мухи обеспечили бы получение высоких и качественных урожаев.

Цель и задачи настоящей диссертационной работы в определенной степени служат выполнению задач, предусмотренных постановлением Президента Республики Узбекистан «О программе развития и реформирования сельского

---

<sup>1</sup> <http://www.docplayer.ru>

хозяйства в течение 2016-2020 гг.» № ПФ-2460 от 29 декабря 2015 года, постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по совершенствованию структуры и повышению эффективности службы защиты растений» №148 от 29 марта 2004 года, а также законом Республики Узбекистан «О защите сельскохозяйственных растений от вредителей, болезней и сорняков».

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Настоящая диссертация выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан: V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Проблема в определенной степени изучена в регионах, где возделываются бахчевые культуры, в таких государствах как Пакистан, Турция, Израиль, Иран, странах северного Кавказа - Грузии, Армении, Азербайджане, России, а также в Афганистане, Таджикистане, Туркменистане, Казахстане и других странах Азии. Проводимые исследования по изучению распространения, морфологических признаков, особенностей биоэкологического развития, вредоносности и мер борьбы с дынной мухой (*Myiopardalis pardalina* Vig), были изучены такими учёными как Б.Б.Исабеков, М.Е.Жамкеева, А.О.Туменбаева, Б.Б.Тойжигитов, А.А.Асанбеков, С.Косанов, А.Б.Торобекова, Х.К.Торыбаев, Н.К.Сапармамедова, Д.Толихов, В.Рекач, Л.А.Тумасян, Г.Д.Багиров, Г.Ф.Асадов, Е.Н.Гришина, В.В.Василян, М.Н.Кандыбина, В.Романова, Ф.Зайцев, Я.Принц, J.Stonehouse, S.M.Sadeed, A.Sajjad, S.Moeen-ud-Din, A.Muhammad, F.Ullah, A.A.Ullah, В.Наyat, Younus Muhammad и другими.

Изучение дынной мухи в Каракалпакстане началось с 2001 года, когда она впервые здесь появилась. Особенности биоэкологического развития и благоприятные факторы способствовали распространению вредителя, в эти же годы начали проводить исследования по защитным мероприятиям.

